



“ 29 ” август 2020 у № 31

**“Уй-жой эгалари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган
яшаш хизматларини баҳолаш бўйича услубий низом”ни
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796 сонли қарори билан тасдиқланган 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг тегишли бандлари ижросини таъминлаш, шунингдек, уй-жой эгалари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган яшаш хизматларини халқаро стандартларга мувофиқ баҳолаш орқали Миллий ҳисоблар тизими кўрсаткичлари қамровини кенгайтириш ва услубиятини такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. “Уй-жой эгалари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган яшаш хизматларини баҳолаш бўйича услубий низом” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор эълон қилинган кундан бошлаб кучга киритилсин.

Раис

Б. Бегалов